

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**



Ҳуқуқшунослик факультети

“Жиноят ҳуқуқи ва жиноят процесси” кафедраси

Сеидбеков Сарвар

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

Мавзу: Суд ҳужжатини ижро этмаслик жинояти учун жавобгарлик

Илмий раҳбар: ю.ф.д., проф. Б.Х.Пулатов

Тошкент-2011

Режа

Кириш

1-боб. Суд ҳужжатларини бажармаганлик учун жиноят ҳуқуқий жавобгарликнинг тарихий-ҳуқуқий таҳлили

1.1. Суд қарорларини бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиш тарихи

1.2. Айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида суд қарорларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик масалалари

2-боб. Суд ҳужжатларини бажармаслик жиноятининг юридик таҳлили

2.1. Суд ҳужжатларини бажармасликнинг объекти

2.2. Суд ҳужжатларини бажармасликнинг объектив томони

2.3. Суд ҳужжатларини бажармасликнинг субъекти

2.4. Суд ҳужжатларини бажармасликнинг субъектив томони

2.5. Суд ҳужжатларини бажармаслик жинояти учун жазо тайинлаш амалиёти

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятни шакллантиришда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мустақил суд ҳокимиятини шакллантирмасдан туриб, юқоридаги мақсадга эришиб бўлмайди.

"Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг катағон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда¹".

Республикамиз Президенти Ислон Каримов таъкидлаганларидек, "... Бироқ, афсуски, қабул қилинган суд қарорлари ижросини таъминлаш чоралари ҳалигача аниқ амалий натижа бераётгани йўқ, бу қарорларнинг аксарияти ойлаб, ҳатто йиллаб бажарилмасдан қолмоқда".

Одил судлов вазифаларининг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат мазкур органлар томонидан ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя этилишига, балки улар томонидан чиқарилган ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорининг бажарилишига ҳам боғлиқдир.

Мамлакатимизда суд ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган ҳамда у такомиллаштирилиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасида суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг судлар тўғрисидаги қонуни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида қонун, Ўзбекистон

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент, Ўзбекистон. 2010. –Б. 5

Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жихатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги хузуридаги суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жихатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон қарорларида суд ҳужжатлари ижросини таъминлашга оид ҳуқуқий воситалар ишлаб чиқилган.

Суд ҳужжатлари ижросини таъминлашда уларни бажармаганлик учун жавобгарлик чораларининг белгиланиши ушбу қилмишлар содир этилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Суд ҳужжатларини бажармаслик ижтимоий хавфли қилмиш сифатида ЖКда мустаҳкамланганлиги унинг жамият, аниқроғи, ҳокимиятлар тақсимланишининг мустақил бўғини, давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи, фуқаролар ҳимоячиси бўлмиш – одил судлов институти манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкинлиги билан изоҳланади¹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 232-моддасида суд қарорларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган эди.

Мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган “Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун”га мувофиқ суд қарорларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган ЖК 232-моддаси янги таҳрирда баён қилинди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун асосида ЖК га киритилган ўзгартиш

¹ Преступления против правосудия // под ред. А.В.Галаховой. М.: 2005. –С.143

ва қўшимчалар ушбу жиноят субъектлари доирасини кенгайтирди, эндиликда суд ҳужжатининг бажарилмаганлиги учун нафақат мансабдор шахслар, балки оддий фуқаролар ҳам жавобгар бўлиши белгиланди.

Суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жиноий жавобгарликнинг такомиллаштирилиши ва бу соҳада давом эттирилаётган ислохотлар ушбу диссертация тадқиқоти учун танланган мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Мазкур тадқиқот ишининг мазмунини ҳуқуқ тартиботнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи, шунингдек, суднинг обрўсига путур етказаётган суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жиноий жавобгарлик ва қарши кураш муаммолари ташкил этади.

Юқорида келтирилганлар нафақат мавзунини танлаш учун асос бўлди, балки тадқиқотнинг тавсиф ва йўналишини ҳам белгилаб берди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юқорида таъкидлаганимиздек, суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жиноий жавобгарликни тадқиқ қилиш масаласига миллий юридик адабиётларимизда етарлича эътибор берилмаган. Ғ.Абдумажидов, Ю.Каракетов, М.Х.Рустамбоев, М.Усмоналиев, З.Ҳ.Ғуломов, Қ.Абдурасулова, И.Исмоилов, Ю.Рахимов¹нинг асарларида бу муаммонинг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган, холос.

З.Ҳ.Ғуломов томонидан одил судловга қарши жиноятлар масаласи докторлик диссертацияси даражасида тадқиқ қилинган бўлиб, унда одил судловга қарши бошқа жиноятлар қаторида суд қарорларини бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи ҳам тадқиқ қилинган. Ушбу тадқиқот мазкур илмий ишни тадқиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, биринчидан, ушбу тадқиқот бевосита суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик масаласига бағишланмаганлигини, иккинчидан, у ЖК 232-моддасининг эски таҳрири асосида тадқиқ қилинганлигини эътироф этиш жоиз.

¹ Қаранг: Абдумажидов Ғ., Гулямов З.Х. Преступления против правосудия. Т., Академия МВД РУз 1997-236 с; Каракетов Ю., Усмоналиев М. Жиноятчиликка қарши курашнинг криминалогик чоралари. Т., "Ўзбекистон". 1994; Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. Т.; Ўқитувчи 2003.

Тадқиқотнинг мақсади шундан иборатки, эмпирик материалларни ва статистик маълумотларни ўрганиш, суд ҳукмларини, суд қарорлари ва бошқа суд ҳужжатларини бажармаслик ҳолатларига қарши кураш муаммоларини комплекс жиноят-ҳуқуқий ўрганиш, илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда кўриб чиқиладиган жиноят тури бўйича қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий нормаларини тадбиқ этиш тажрибаларини йўлга қўйиш.

Тадқиқотнинг объектини суд ҳужжатларини бажарилмаганда юзага келадиган ижтимоий муносабатларининг мажмуи ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини суд ҳужжатларини бажармаганлик учун қўлланиладиган жиноят қонунчилиги нормалари, ушбу жиноятларга қарши кураш бўйича фаолият ҳамда уларни амалга ошириш тажрибаси ташкил этади.

Ишнинг тузилиши. Иш кириш, олтита параграфни ўз ичига олган 2 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. СУД ХУЖЖАТЛАРИНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖИНОЯТ ХУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ТАРИХИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.

1.1. Суд ҳужжатларини бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиш тарихи

Мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари суд, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти ва ўрни юксалтирилишини тақозо этади. Одил судловнинг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат мазкур органлар томонидан ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя этилишига, балки суд ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига ҳам кўп жихатдан боғлиқдир. Бугунги кунда суд ҳужжатларининг ижро этилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунки, ҳозирги даврда суд ҳужжатини ижро этмаслик кўпчилик ҳолатларда нафақат суднинг обрўсига дахл қилади, балки жуда катта иқтисодий зарар етказиши ҳам мумкин. Жумладан, 2005 йил якунларига кўра, суд ижрочилари томонидан 2002 йилга нисбатан 17 баравар кўп, яъни 716,8 млрд. сўм маблағ амалда ундирилган¹.

Суд ҳужжатини ижро этмаслик кенг тарқалган жиноятлардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида одил судловга қарши жиноятлар алоҳида бобга ажратилишининг сабаби ҳам, одил судлов органлари фаолиятини давлат ҳамда жамият учун ўта зарурлиги ҳамда одил судловни жиноий тажовузлардан алоҳида муҳофаза этиш зарурияти билан изоҳланади.

Одил судлов вазифаларининг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат мазкур органлар томонидан ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жихатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 31.08.2006 й. N ПҚ-458 қарори. Халқ сўзи. 2006 йил 31 август

этилишига, балки улар томонидан чиқарилган ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорининг бажарилишига ҳам боғлиқдир.

Суд ҳужжатини ижро қилмаслик тергов ва суд ҳокимияти органлари обрўйи ва фаолиятига тажовуз қилувчи одил судловга қарши жиноятлар сирасига киради¹.

Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлашнинг хавфли қилмиш сифатида ЖКда мустаҳкамланганлиги унинг жамият, аниқроғи, ҳокимиятлар тақсимланишининг мустақил бўғини, давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи, фуқаролар ҳимоячиси бўлмиш – одил судлов институти манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкинлиги билан изоҳланади².

Ҳукмни, ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни бажаришдан бўйин товлаш, деганда, ижро этиш учун олинган суд ҳужжатини амалга ошириш хизмат доирасига кирувчи шахс томонидан уларни қонунда белгиланган муддатларда бажариш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмаслигини тушуниш зарур. Масалан, айбдорни лавозимидан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм бўлишига қарамай, унинг у ёки бу лавозимни эгаллаб тураверишига рухсат бериш³.

Суд ҳужжатларини ижро этмаслик жиноий ҳаракатсизлик шаклида содир этилади, яъни суд қарорини бажариш мажбурияти юклатилган шахс қасддан уларни бажармайди ёки бажарилишини таъминлаш чораларини кўрмайди⁴.

Суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарорининг бажарилишига тўсқинлик қилиш деганда, шахснинг суд ҳужжатларининг бажарилмай қолишига қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракати тушунилади.

Одил судловга қарши жиноятлар учун, жумладан суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жиноий жавобгарлик асосан собиқ совет иттифоқи қонунчилиги билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланган.

1917 йилги инқилобдан сўнг Россияда янги, жумладан одил судловга

¹ Гулямов З.Х. Преступления против правосудия // Под ред. и с предисловием д.ю.н., проф. У.Таджихонов. – Ташкент, 1997.-С.40-41.

² Преступления против правосудия // под ред. А.В.Галаховой. М.: 2005. –С.143

³ Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳукуқи. Махсус қисм // Дарслик. Тошкент 2003 йил 379-бет

⁴ Горелик А.С., Лобанова В.Л. Преступления против правосудия. СПб, 2005. –С. 84

қарши жиноятлар тўғрисида ҳам жиноят ҳуқуқий нормалари яратила бошланди. ВЦИКнинг 1919 йил 19 апрелидаги “мажбурий меҳнат лагерлари тўғрисида”ги декретга мувофиқ жазоланган кишининг ҳукм қилинган жойидан қочиши жиноий хатти-ҳаракатлар қаторига киритилган.

РСФСРнинг 1922 йилги биринчи Жиноят Кодексида одил судловга қарши жиноятларга бағишланган мустақил боб бўлмаган. Бундай жиноятлар тўғрисидаги нормалар турли бобларга киритилган. Масалан, “Давлатга оид жиноятлар” бобининг “Аксилинқилобий жиноятлар тўғрисида”ги 1-бўлими 68-моддасида аксилинқилобий жиноятларни беркитганлик учун жавобгарлик белгиланган, содир этилган ёки содир этилиши мумкин бўлган жиноят тўғрисида ишончли аниқ маълумотларни етказмаганлик учун жавобгарлик худди шу бобнинг “Бошқарув тартибларига қарши жиноятлар тўғрисида”ги 2-бўлими 89-моддаси билан мустаҳкамланган, маҳбусни ҳибсдан ёки қамок жойидан озод қилиш ёки қочишига кўмаклашиш, – 94-модда, маҳбуснинг ҳибсдан ёки қамок жойидан лаҳм қовлаш, қулфбузарлик ва умуман қулф, тамба, девор ва ҳ.к.ларни бузиб қочиши, – 95 модда бўйича жавобгарликка тортилган.

РСФСРнинг 1922 йилги Жиноят кодекси токи ЎзССРнинг 1926 йилги ЖК қабул қилингунга қадар Туркистон АСССР ҳудудида амалда бўлган.

1926 йилги ЎзССР Жиноят кодексида ҳам одил судловга қарши жиноятлар тўғрисидаги махсус боб йўқ эди. Кўриб чиқиладиган хатти-ҳаракат асосан II-“Бошқарув тартибларига қарши жиноятлар” ва III-“Мансаб (хизмат)га оид жиноятлар” бобларидан ўрин олган эди¹. Одил судловга қарши жиноятлар сирасига: маҳкумни ҳибсдан ёки қамок жойидан ноқонуний озод этиш ёки унинг қочишига кўмаклашиш (105-модда), маҳкумнинг ҳибсдан ёки қамок жойидан қочиши, бунинг баробари таъқиқланган жойга қайтиши, сургун қилинган жойдан қочиш ёки шунга ҳаракат қилиш (106-модда), ҳалқ маслаҳатчисининг узрли сабаларсиз ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаши (118-модда), гувоҳнинг ҳозир

¹ Уголовный кодекс Узбекской ССР. Ташкент: Юридичес. издат. НКЮ УзССР. 1926 г.

бўлишдан ёки кўрсатма беришдан тониши, эксперт, таржимон ёки холисларнинг hozir бўлиш ёки мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаши(119-модда), прокурор, терговчи ёки суриштирув (ревизия) олиб боришга масъул шахснинг рухсатсиз суриштирув, дастлабки тергов ёки ревизион тафтиш текширув маълумотларини ошкор қилиш (120-модда), судьялар томонидан шахсий хусумат ёки бошқа ғараз ният билан адолатсиз ҳукм, қарор ёки ажрим чиқариш (146-модда), ғайриқонуний ҳибсга олиш ёки (ҳуқуқ тартибот органларига) келтириш (147-модда).

1959 йилги ЎзССР ЖКнинг илк таҳрири одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисидаги 15 моддани ўзида мужассам этган (156-170-моддалар). Улар одил судловни тўғри олиб боришга монелик қилган мансабдор шахслар ва бошқа субъектларнинг жиноятларини қамраб олган. Ушбу жиноятлар гуруҳига қуйидагилар кирган: айбсиз кишини била туриб жиноий жавобгарликка тортиш (156-модда), адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, қарор ёки ажрим чиқариш (157-модда), била туриб қонунсиз қамаш ёки ушлаб туриш (158-модда), кўрсатув беришга мажбурлаш (159-модда); била туриб ёлғон хабар бериш (160-модда), била туриб ёлғон кўрсатма бериш (161-модда), гувоҳнинг кўрсатма беришдан бош тортиши ёки бўйин товлаши (162-модда), гувоҳ ёки экспертни кўрқитиш ёки сотиб олиш (163-модда), суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш (164-модда)ва бошқалар.

Одил судловга қарши жиноятларнинг бундай таркиб топиш тизими одил судловни амалга ошириш чоғида унинг вакиллари томонидан мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ёки мансаб ваколатларидан четга чиқиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларнинг ажратилиши билан бирга ўзга шахсларнинг фаолиятлари асосини жиноят субъекти ташкил этувчи, одил судловга қарши жиноятлар тизими тўғрисидаги қарашларнинг бир неча ўн йил мобайнида мавжуд бўлиб келишига ёрдам берди.

Ўзбекистон жиноят қонуни ривожининг деярли барча даврларида одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарлик кўзда тутилган. Хусусан, суд

қарорларини бажармаганлик учун жавобгарлик ЎзР Жиноят кодексининг “Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар” бўлимида “Одил судловга қарши жиноятлар” бобига киритилган. Тегишли нормалар мажмуи миллий қонунчилигимизда 1959 йили қабул қилинган ЎзССР Жиноят кодексида алоҳида бобга ажратилган эди. Ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб боровчи органлар ролининг ошиши, уларга энг қаттиқ мажбурлов чораларини қўллашда қўшимча ҳуқуқлар берилиши, мазкур органлар фаолиятида қонунийликка қатъий риоя этиш зарурияти одил судловга қарши жиноятларнинг алоҳида гуруҳга ажратилишини тақозо этди.

Мустақилликка эришишимиз билан “Одил судловга қарши жиноятлар” билан курашиш солномасида “янги саҳифа” очилди, десак адашмаймиз. Зероки, мустақиллик туфайли давлатимизда барча соҳаларда тубдан ўзгаришлар юз бериб, мамлакатимиз демократик-ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти қуриш йўлидан олға қадам ташлаб бормоқда. Бугунги кунда эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси одил судловнинг демократик асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга катта эътибор бермоқда.

1992 йил 8 декабрда эса мустақиллик шарофати билан Республикамизда барча халқаро стандартларга тўлиқ жавоб бера оладиган янги Конституция қабул қилинди. Ушбу Конституциянинг қабул қилиниши демократик-ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлидаги илк қадамлардан бўлди, десак хато қилмаймиз. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида одил судлов фаолиятининг қарғатлари ҳақида шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди” (106-, 107-моддалар).

Юқорида зикр этиб ўтилган қоида бугунги кунда суд фаолиятига ёш давлатимиз томонидан жиддий эътибор берилаётганлигидан далолат беради. Зероки, одил судлов фаолиятининг давлат томонидан кафолатланиши ҳамда ҳимоя қилиниши инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи судлов фаолиятининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим мезон бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 232-моддасида суд қарорини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Ушбу моддада: Мансабдор шахснинг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасддан бажармаслиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиши учун жавобгарлик белгиланди.

Ушбу қилмиш учун жавобгарликнинг ўзига хослиги, мазкур жиноят субъекти сифатида фақат мансабдор шахслар эканлигидир.

Жиноят қонунини янада такомиллаштириш, суднинг обрўсини ошириш, суд томонидан чиқарилган қарорларнинг ижросини таъминлашни янада яхшилаш мақсадида ЎЗР ЖК 232-моддаси "суд ҳужжатини ижро этмаслик" деб номланди ва унда нафақат мансабдор шахслар, балки суд ҳужжатларини ижро этмаганлик учун фуқароларнинг жавобгарлиги ҳам назарда тутилди¹.

З.Ҳ.Гулямовнинг фикрича, суд қарорларини мансабдор шахслар томонидан бажарилмаслиги алоҳида ижтимоий хавф туғдиради².

ЖК 232-моддасида кўрсатилган қилмиш икки хил кўринишга эга: 1) қонуний кучга кирган суд қарорини бажармаслик; 2) қонуний кучга кирган суд қарорининг бажарилишига тўсқинлик қилиш.

Ўтган йиллар мобайнида жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, мулкчилик ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш, шунингдек иқтисодиёт асосларини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009, 3-сон, 9-модда.

² Гулямов З.Х. Преступления против правосудия // Под ред. и с предисловием д.ю.н., проф. У.Таджихонов. – Ташкент, 1997.-С.74.

оширилмоқда. Суднинг мустақиллиги ва обрўсини оширишга қаратилган ислохотлар натижасида фуқароларнинг судларга мурожаати йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган қатор суд қарорлари чиқарилмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартиблари ишлаб чиқиши натижасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган органларнинг қарорлари тўғридан-тўғри ижрога қаратилмоқда.

Юқорида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз-ўзидан ушбу соҳада суд ва бошқа органларнинг қарорларини ўз вақтида ва тўла ижро этилиши билан боғлиқ вазифаларни қўйди.

Суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси жорий этилиши натижасида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва одил судловни самарали олиб бориш мақсадида, Президентимиз таъбири билан айтганда, судлар ўзига хос бўлмаган вазифалардан озод этилди¹. Яъни, муқаддам суд ваколатида бўлган суд қарорларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги 383-сонли “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ижро этувчи ҳокимият зиммасига юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сонли қарори² қабул қилинди. Ушбу Қарор билан Суд департаментининг фаолиятини мустаҳкамлаш юзасидан кескин чоралар кўрилди, унинг кадрлар таркиби деярли тўлиқ янгиланди, суд ижрочилари сони кўпайтирилди, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тадбирлари белгиланди.

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005. -185- бет.

² “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2006 йил, 36-сон, 360-модда.

Суд қарорларини сўзсиз ижро этишни таъминловчи таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш, суд ижрочилари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек Суд департаментининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2007 йил 1 ноябрда N ПКҚ-722 сонли Қарори¹ қабул қилинди. Ушбу қарорда суд ижрочиси томонидан суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда амалга ошириладиган ижро йиғими ундируви назарда тутилди, Суд департаменти тизими такомиллаштирилди.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги бундай ислоҳот, бир томондан, суднинг жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатдан ҳам мустақил бўлишига² олиб келса, иккинчи томондан эса ижро этувчи ҳокимият ўзининг мажбурлов воситалари орқали суд ва бошқа органларининг ҳужжатларини мажбурий ижро этиш самарадорлигига эришилади.

Маълумки, ҳокимият амалга ошган жойда муайян идоравий муносабат мавжуд бўлади ҳамда унинг натижасида бошқарув ва бошқарилиш юзага келади. Бошқарув муайян бўйсунитиш талаб этганлиги учун ҳам ҳокимият бўйсунитиш ва зарур бўлганда мажбурлаш воситаси орқали амалга оширилади³.

Ижро иши юритишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган, қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари уларни аниқ ва бир хилда бажарилишини талаб этади. Ушбу қонун ҳужжатлари устидан назорат эса уларнинг ижроси самарадорлигини ошириш билан бир қаторда

¹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 45-сон, 451-модда.

² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. 5 том. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997. -127.

³ Исломов. З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси/Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Раҳмонкулов, академик, ю.ф.д., проф.,– Ҳ.Бобоев, ю.ф.д., проф, Т.: Адолат, 2007.369–бет

фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишининг кафолати сифатида қаралади.

2009 йил 14 январда қабул қилинган ва ушбу йилнинг 15 январдан кучга кирган “Ижро иши юритиш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан ижро иши юритиш тубдан ислоҳ этилди. Ушбу қонун билан қарздорнинг мажбуриятларини бажаришга қаратилган кескин чоралар қабул қилинди, Суд департаментининг мажбурий ижрони амалга оширишга қаратилган ваколатлари ва ижро иши юритиш иштирокчилари доираси кенгайтирилди, қарзни ундириш мумкин бўлган янги манбалар белгиланди.

Ушбу қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 232-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди:

“232-модда. Суд ҳужжатини ижро этмаслик

Муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан узини тийиш мажбуриятини юқловчи суд ҳужжатини бажаришдан буйин товлашни маъмурий жазо кулланилганидан кейин давом эттириш, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмишлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

ЖК 232-моддасининг янги таҳрири олдинги таҳрирдан бир қанча жиҳатлари билан фарқ қилади: биринчидан, олдинги таҳрирда модда номи суд қарорини бажармаслик бўлса, амалдаги янги таҳририда суд ҳужжатини ижро этмаслик деб номланди; иккинчидан, олдинги таҳрирда модда бир

қисмдан иборат бўлса, янги таҳрирда икки қисмдан иборат бўлди; учинчидан, янги таҳрирда ушбу қилмиш учун жавобгарликнинг зарурий шарти қилиб, шундай қилмиш учун аввал маъмурий жазо қўлланилганлиги белгиланди; тўртинчидан, олдинги таҳрирда жиноят субъекти фақат мансабдор шахслар бўлган бўлса, янги таҳрирда мансабдор шахслардан ташқари, бошқа фуқаролар ҳам ушбу жиноят субъектлари бўлиши мумкин; яъни ушбу қилмиш учун жавобгарликка тортиладиган субъектлар доирасига кенгайтирилди ва ниҳоят ушбу қилмишни мансабдор шахслар томонидан содир қилиниши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланди.

Юқоридагиларга асосланиб, ушбу жиноятнинг бир қатор хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

— одил судлов вазифаларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилади;

— маъмурий преюдицияга эга;

— суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш жиноий ҳаракатсизлик шаклида содир этилади, суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш ҳаракат билан ҳам содир этилиши мумкин;

— қасддан содир этилади;

— формал таркибли жиноят ҳисобланади;

— мансабдор шахслар томонидан содир этилиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади;

— суд органлари обрўйининг пасайишига сабаб бўлади.

1.2. Айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида суд қарорларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик масалалари

Суд ҳукмлари, суд қарорлари ёки бошқа суд ҳужжатларини бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги хорижий давлатлар қонунчилигини ўрганиш ва таҳлил қилиш мамлакатимиз қонунчилигида суд ҳужжатларини ижро этмаганлик учун жиноий жавобгарликни янада

такомиллаштиришга хизмат қилади.

Россия Федерацияси ЖК 315-моддасида суд ҳукмлари, суд қарорлари ёки бошқа суд ҳужжатларини атайин бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, жавобгарлик шарти сифатида суд қонунан кучга кирган суд ҳужжатларини ижро этмаслик кўрсатилган.

РФ ЖПКнинг 358-моддаси талабларига мувофиқ, қонунан кучга кирган суд ҳукми, суд ажрим ва қарорлари барча давлат ва жамоат ташкилотлари, масабдор шахс ва фуқаролари учун мажбурийдир. Шунга айнан ўхшаш суд ҳужжатларининг барча учун мажбурий эканлиги тўғрисидаги талаб маъмурий, фуқаролик-процессуал қонунчилиги билан мустаҳкамланган.

Таъкидлаш жоизки, Россия Федерацияси жиноят процессуал қонунчилиги суд ҳукмлари, суд қарорлари ёки бошқа суд ҳужжатларини бажармаслик билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатларни аниқ белгилайди. Масалан, РФ ЖПК 392-моддаси 2-қисмида: “Суд ҳукми, ажрими, қарорини бажармаслик Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 315-моддасида назарда тутилган жавобгарликка олиб келади”¹ тўғридан-тўғри кўрсатилган.

РФ ЖК 315-моддаси шарҳи қонун чиқарувчи ушбу модда билан кўриқланадиган ижтмоий муносабатлар сифатида суд амалиётининг ҳар қандай кўриниши: конституцион, жиноят, фуқаролик ва маъмурий судлар томонидан ўрнатилган тартибда қонунга мувофиқ чиқарилган суд ҳужжатларининг ижроси билан боғлиқ муносабатларни назарда тутган деб ҳисоблаш учун имкон беради.

РФ ЖК 315-моддаси мазмунига кўра жавобгарлик РФ судлари томонидан чиқарилган ва қонуний кучга кирган ҳар қандай суд ҳужжатлари (жиноий ишлар бўйича ҳукмлар, фуқаролик ишлари бўйича ҳал қилув қарорлари, маъмурий ишлар бўйича қарорлар ва бошқа қарорлар, ажримлар)ни бажармаслик, ҳамда халқаро шартномаларда назарда тутилган махсус ҳолларда чет давлатларнинг судлари, халқаро судлар ва арбитражлар томонидан чиқарилган қарорларни бажармаслик учун белгиланади.

¹ Уголовный кодекс Российской Федерации. –Санкт Петербург: Юридический центр Пресс, 2001.

Беларусь Республикаси ЖК “Одил судловга қарши жиноятлар” бобида жойлашган “Ҳукм, қарор ёки бошқа суд актларини бажармаслик” 423-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони мансабдор шахс томонидан қонуний кучга кирган ҳукм, қарор ёки бошқа суд актларини бажармаслик ёки бажарилишига тўсқинлик қилишдан иборат¹. Эслатиб ўтиш керакки, ушбу жиноят квалификация қилувчи аломатларга эга эмас, фақатгина мансабдор шахслар ушбу жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин. Украина жиноят қонунчилигида ҳам “Одил судловга қарши жиноятлар” учун жавобгарлик мавжуд. Украина ЖК 382-моддасида “Суд қарорларини бажармаганлик” учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Суд қарорлари деганда қонун чиқарувчи Украина ЖК 382-моддасининг 1-қисми диспозициясида санаб ўтилган қуйидаги кўринишларни: ҳукм, ҳал қилув қарори, қарор, ажрим, суд фармойишларини тушунган, шу билан бирга уларнинг қонунан кучга кирган бўлиши кераклиги алоҳида таъкидланган.

Украина ЖК 382-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони мансабдор шахснинг қонуний кучга кирган суд ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, қарорлари ажримлари, суд фармойишларини қасддан бажармаслигида ёки уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилишида кўринади².

Украина ЖК 382-моддаси 1-қисми бўйича жиноят субъекти мансабдор шахс, 382-модданинг 2-қисмида масъул ёки ўта масъул лавозимдаги мансабдор шахслар ёки мазкур жиноят учун муқаддам судланган шахслар (агар улар фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва эркинликларига, давлат ёки жамоатчилик ва юридик шахслар манфаатларига жиддий зарар етказган жиноят содир этган бўлса) томонидан қасддан бажармаслик ёки унинг бажарилишига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган. Украина ЖК 382-моддасининг 3-қисмида бошқа МДҲ давлатлари қонунчилигига мавжуд бўлмаган таркиб шаклланган, яъни унда “Мансабдор шахс томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди

¹ Уголовный кодекс Республики Беларусь. Санкт Петербург: Юридический центр Пресс, 2001.

² Уголовный кодекс Республики Украина. 2001.

қарорларини қасддан бажармаслик” учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Озарбайжон Республикаси ЖК 306-моддасида “Суд ҳукмлари, суд қарорлари ёки бошқа суд ҳужжатларини бажармаслик” учун жавобгарлик назарда тутилган. Озарбайжон Республикаси ЖК 306-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони шундан иборатки, суд қарорлари, ҳукмлари, ажрим ёки фармойишларини бажаришга тўсқинлик қилиш уларни қасдан бажармаслик билан тенглаштирилган¹. Кўриб турганимиздай модданинг мазкур қисмида қонун чиқарувчи ушбу меъёرنинг номидан фарли ўлароқ бошқа суд актлари ҳақида эслатмаган ҳолда суд ҳужжатини бажармасликни кўрсатиб ўтган. Бу жиноятнинг субъекти бўлиб ҳар қандай жиноят субъекти ҳисобланиши мумкин бўлган шахслар ҳисобланади. Озарбайжон Республикаси ЖК 306-моддасининг иккинчи қисми “мансабдор шахс томонидан содир этилган айнан шу фаолият” деган квалификацияловчи белгини ўзида мужассам этган ва мансабдор шахсларнинг махсус аломатларига эга шахсларгина мазкур жиноят учун жиноий жавобгарликка тортилиши кўрсатилган.

Қозоғистон Республикаси ЖК 362-моддасида “Суд ҳукмлари, суд қарорлари ёки бошқа суд ҳужжатларини бажармаслик” деб номланган. Қозоғистон Республикаси ЖК 362-моддаси 1-қисмига кўра жиноятнинг объектив томони қонунан қучга кирган суд ҳукмлари, суд қарорлари, ёки бошқа суд ҳужжатларини бажаришга тўсқинлик қилиш ҳисобланади, бунда қонун чиқарувчи суд ҳужжатларини бажармаслик билан уни бажаришга тўсқинлик қилишни бир хил ҳаракат сифатида назарда тутди. Қозоғистон Республикаси ЖК 362-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти, худди Озарбайжон Республикаси ЖКдаги сингари ҳар қандай жисмоний шахс бўлиши мумкин. Қозоғистон Республикаси ЖК 362-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган жиноят субъекти махсус аломатларга эга бўлиши яъни, “ҳокимият вакили, давлат хизматчиси, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси ҳамда бунга тенглаштирилган давлат муассасаси, тижорат

¹ Уголовный кодекс Азербайджанской Республики. 2001.

ёки бошқа ташкилот хизматчиси томонидан содир этилган айнан шу фаолият” ни содир этган шахс бўлиши лозим.

Молдова Республикаси ЖК 320-моддасида ушбу жиноят учун жавобгарлик суд инстанциясининг қарорини бажармаганлик деб белгиланган¹.

Грузия ЖК 381-моддаси ва Молдова Республикаси ЖК 320-моддасида кўзда тутилган жиноятнинг объектив томони суд актларини бажармаслик ёки бажаришга тўсқинлик қилиш сифатида шаклланган².

Латвия Республикаси ЖК XXIII боби “одил судловга қарши жиноий фаолият” деб номланиб, “суд ҳукми ёки суд қарорини бажармаслик” учун жавобгарлик кўзда тутилган меъёрни ўз ичига олган бўлиб, объектив томони Латвия Республикаси ЖК 296-модда диспозициясида “суд ҳукми ёки қарорини қасддан бажармаслик ёки бажаришга тўсқинлик қилиш” тарзида ифодаланган. Суд ҳукми ёки қарори жиноят предмети бўлиб, объектив томонидан уларнинг қонуний кучга кирган бўлиши кўрсатилмаган. Умумий субъект аломатларга эга ҳар қандай шахс мазкур жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин, субъектив томони эса айбнинг қасд шаклида ифодаланади³.

Эстония Республикаси Жиноят кодекси 176-моддаси “суд ҳукми ёки қарорини бажармаслик” учун жавобгарликни кўзда тутди. Дикқатга сазовор жойи шундаки, Эстония Республикаси ЖК 176-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони 121- модда (Болаларга алимент тўлашдан бўйин товлаш), 122-модда (Ота-онага алимент тўлашдан бўйин товлаш), 166-модда (Тадбиркорлик фаолиятига, маълум мутахассислик бўйича ишлашга ёки муайян лавозимни эгаллашга қўйилган таъқиқнинг бузилиши), 176-модда (Озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазони ўташдан бўйин товлаш) моддаларида кўзда тутилган жиноят аломатлари бўлмаган ҳолда, ижрога қаратилган суд ҳукми ёки қарорини қасддан бажармаслик учун

¹ Уголовный кодекс Республики Молдова-Вст. Статья к.ю.н. А.И. Лукшаева. Санкт Петербург: Юрид. центр-Пресс. 2003. 408 с.

² Уголовный кодекс Грузии.-Санкт Петербург: Юридический центр Пресс. 2002.

³ Уголовный кодекс Латвийской Республики, 2001.

жавобгарликни кўзда тутди¹. Республикамиз ЖК 232-моддасини Эстония Республикаси ЖК 176-моддаси каби тахрирда баён қилиш бир неча жиноятларни (масалан, ЖК 122, 123 ва 148-моддалари ҳамда 232-моддани) квалификация қилишдаги камчиликлар, тушунмовчиликларга барҳам берган бўлар эди.

Мазкур давлатлар ЖКларида жиноятнинг субъектив томони турлича тавсифланган. Озарбайжон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ЖКларида қасддан бажармаслик кўрсатиб ўтилган. Беларусь Республикаси ЖКда субъектив томонни тавсифловчи ҳеч бир аломат мавжуд эмас; Молдова Республикаси ЖК 320-моддаси, Латвия Республикаси ЖКда ҳам қасддан бажармаслик ёки тўсқинлик қилиш кўзда тутилади. Украина ЖК 382-моддасида эса айбнинг суиқасд шакли кўрсатилади.

Жиноят субъектини таърифлаш масаласига МДХ мамлакатлари қонунчилиги турлича ёндошган. РФ ЖКда ушбу жиноят субъекти сифатида ҳокимият вакиллари, давлат хизматчилари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи хизматчилари, давлат ёки муниципал муассасалар хизматчилари ҳамда тижорат ёки бошқа ташкилотларнинг хизматчилари; Беларусь Республикаси ЖКда мансабдор шахс жиноятнинг субъекти ҳисобланади; Грузия ЖК – ҳокимият вакили, давлат идораси мансабдори, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи (бунга тадбиркорлик ёки бошқа ташкилотда раҳбар ваколатига эга шахслар ҳам тенглаштирилган) ходимлари; Турманистон ЖКда – ҳокимият вакили, давлат хизматчиси, ҳамда тижорат ёки бошқа ташкилот хизматчиси субъект сифатида кўрсатилган. Латвия Республикаси ЖКда эса умуман жиноятнинг субъекти кўрсатилмаган.

Озарбайжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Молдова Республикаларининг қонун чиқарувчи органи кўриб чиқиладиган жиноят учун жавобгарлик белгилашда жиноят субъектидан келиб чиқиш йўлидан боришган (Озарбайжон Республикаси ЖК 306-моддаси 1-қисмида, Қозоғистон Республикаси ЖК 362-моддаси 1-қисмида, Молдова

¹ Уголовный кодекс Эстонской Республики, 2001.

Республикаси ЖК 320-моддаси 1-қисмида жиноят субъекти – ҳокимият вакили, давлат хизматчиси, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси (тадбиркорлик ёки бошқа ташкилотда раҳбар вазифасига эга шахслар ҳам уларга тенглаштирилган) жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

2-БОБ. СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ БАЖАРМАСЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

2.1. Суд ҳужжатларини бажармаслик жиноятининг объекти

Жиноятнинг объекти ҳар бир жиноят таркибининг зарурий белгисидир. Жиноят қонуни билан қўриқланмайдиган объектга тажовуз қилиш жиноят ҳисобланмайди. Жиноятнинг объекти ҳар бир жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлиш билан бирга, муайян жиноятнинг моҳияти ва унинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳам белгилайди¹.

Жиноятнинг объекти жиноят таркибининг бир томони бўлганлиги туфайли жиноий жавобгарлик асосларининг доирасига киради. Шунга кўра шахсни муайян жиноятни содир қилишда айблаш учун, тажовуз қайси объектга қаратилганлиги, яъни қайси объектга зарар етказиши ёки зарар етказиши мумкинлиги аниқланиши керак бўлади².

Тажовуз объектини тўғри аниқлаш муайян жиноятнинг юридик табиатини аниқлаш имконини беради. Тажовузнинг объектини тўғри аниқлаш, айниқса, ўхшаш бўлган жиноятларда улар объектлари ўртасидаги фарқни аниқлаш жиноятни тўғри квалификация қилишнинг муҳим шартидир.

Жиноий тажовуз объекти – ҳар қандай жиноятнинг зарурий элементиدير. Айтиш мумкинки, ҳар қандай жиноят – бу муайян бир объектга тажовуздир. Табиатда ҳеч нарсага тажовуз қилмайдиган жиноятнинг ўзи бўлмайди³.

Ҳар қандай жиноятнинг содир этилиши натижасида ҳамиша ва ҳар сафар қайсидир ижтимоий неъмат бузилади, жиноятнинг моҳиятини ижтимоий муносабатларининг бузилиши ташкил этади. Мустақил Ўзбекистонда бутун халқ манфаатларига жавоб берадиган муносабатлар устивор ҳисобланади. Ана шу муносабатларга қарши қаратилган жиноий

¹ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Дарслик. Умумий қисм. Т., Ўқитувчи. 2005. –Б 152.

² Новоселов Г.П. Учение об объекте преступления. Методологические аспекты. –М.:Издательство норма, 2001.-С. 42.

³ Трайнин А.Н. Общее учение о составе преступления. М., 1957.-С. 122.

тажовузлар бутун жамиятга хавф солади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай жиноят бевосита ёки билвосита ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади.

Одил судловнинг манфаатлари суд ҳужжатини ижро этмаслик жиноятининг махсус объекти ҳисобланади. Маълумки одил судлов деганда суднинг конституциявий, фуқаролик, ҳўжалик, маъмурий ва жиноят ишларини юритиш бўйича фаолияти тушунилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXII боби “Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти”, Ўзбекистон Республикаси”Судлар тўғрисида”¹ги 1993 йил 2 сентябрь Қонуни ва 2000 йил 14 декабрдаги янги таҳрирдаги Қонундан келиб чиқади. Чунончи, мазкур Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади” деб белгиланган.

Суд ҳокимияти давлат органлари тизимида алоҳида аҳамият касб этади. Суд ҳокимиятининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига бевосита дахлдор бўлиб, одил судловни амалга ошириш фаолияти натижасида шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади. Суд ҳокимияти ҳуқуқий мақомининг конституциявий мазмун шундай ифодаланадики, унга асосан, фуқароларга нисбатан судловни амалга оширишда ўзбошимчаликка йўл қўймаслик, одил судловни амалга ошириш, ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатини яратиш, шунингдек, фуқароларга нисбатан чиқарилган ҳукм ва қарор юзасидан шикоят қилишлари учун имконият яратиш ҳамда судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлашдир.

Конституциянинг 114-моддасида эса суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997, №9. 235 б.; 2001, №1-2, 11 б.; 2002, № 9, 165 б, ва 2006, №7, 373 б.

муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги белгиланган.

Ушбу конституциявий тамойил суд ҳокимиятининг амалда мустақил ва самарали фаолият юритишининг кафолатидир. “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига кўра, суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт¹.

Мамлакатимизда бугунги кунда турмушнинг барча соҳаларида ислохотлар амалга оширилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу ислохотлардан кўзланган мақсадлардан бири - иқтисодиёт, одил судлов, давлат тузилмалари йўлида ғов бўлиб турган, ҳар бир инсонга унинг муносиб турмуш кечириши, ўз имкониятларини тўлиқ намоён этиши учун шарт-шароит яратишга, фуқароларимиз фаровонлигининг ошишига ҳалал бераётган барча тўсиқларни бартараф этишдан иборат.

Ушбу ислохотларни амалга оширишда суд қарорларини ижро этиш тизимининг такомиллаштирилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, суд қарорларини ижро қилиш фуқароларнинг бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳал қилувчи босқичи ҳисобланади.

Мамлакатимизда судьяларнинг мустақиллигига эришиш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника ва маблағ билан таъминлаш масалаларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли орган - Суд қарорларининг ижро этилиши, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. 12-сон, 10-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2001. №21.

ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори суд қарорларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнади.

Ўз навбатида давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ барча талабларини ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари лозимдир. Шунингдек, одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган барча ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьяларнинг талабларига биноан бепул берилади.

Судьяларнинг мазкур талабларини ва фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади. Бу нормалар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларнинг тегишли моддаларида белгилаб қўйилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497, 528-531-моддалари суд ҳукми, ажрими, қарорининг кучга кириши, уларнинг бажарилиш тартиблари ҳақидаги нормалар ўзида ифода этган.

Суд томонидан чиқарилган ҳукмлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг бажарилиши мажбурийлигини таъминлаш суд ҳокимияти фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Ўрганилаётган жиноий фаолиятнинг ижтимоий хавfli томони шундан иборатки, барча давлат органлари, бошқа идоралар ва муассасалар, тижорат ва бошқа ташкилотлар учун мажбурий бўлган ва қонунан кучга кирган суд ҳужжатларини қасддан бажармаслик ҳолатлари одил судловни амалга ошириш вазифасини бажаришда тўсқинлик қилиб, ушбу органларнинг жамоатчилик олдида обрўси тушишига олиб келади ҳамда етказилган зарарни қоплаш, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш имкониятини чеклаб қўяди.

Фикримизча, ўрганилаётган жиноятнинг ижтимоий хавfliлиги томони асосан одил судлов органларининг фаолият юритишларини таъминловчи

ижтимоий муносабатларга зарар етишидадир.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 232-моддасининг ҳозирги таҳрири муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш, шунингдек, суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни кўзда тутди. Бу ерда ЖК 232-моддаси амалдаги таҳрири олдинги таҳрирдан жиддий фарқ қилишини кўриш мумкин. Яъни, ушбу модда билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар доираси кенгайтирилган. Аввалги таҳрирда суд ҳукмлари, ҳал қилув қарори, қарор ва ажримни бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлса, эндиликда суд ҳужжатини ижро этмаслик, деб белгиланди. Шу ўринда, суд ҳужжати, деганда қандай ҳужжатларни тушуниш керак? деган савол туғилади. ЖК 232-моддасида айнан қайси ҳужжатларни суд ҳужжати сифатида белгилашни назарда тутилмаган. Ижро ишини юритишнинг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 198¹-модда. Қарздорнинг ижро ҳужжатини ижро этмаслиги ва 198²-модда. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган моддалар киритилди. Ушбу моддалар мазмунига кўра, суд ижрочисининг суд қарорларини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларини бажармаганлик ҳам жавобгарликка сабаб бўлади. Шу сабабли ҳам, ЖК 232-моддасида назарда тутилган суд ҳужжати, деганда, суд ижрочиларининг ҳам ҳужжатлари тушунилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, ЖК 232-моддасида, айнан суд ижрочиларининг ҳам суд қарори ижросини таъминлашга қаратилган қарорлари суд ҳужжатини ижро этмаслик жиноятининг тажовуз объекти бўлиши белгилаб қўйилиши керак. Чунки, биз суд ҳужжати деганда, айнан суд томонидан чиқариладиган ҳужжатларни тушунамиз, суд ижрочилари эса, суд эмас. Ушбу ҳолатнинг ЖКда

белгиланиши ЖК 232-моддаси МЖТК 198¹ ва 198² –моддаларини қўллашда тушунмовчиликларни бартараф қилишга хизмат қилади.

Судларда ишларни кўриш тартибини белгилайдиган Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал, Жиноят процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда судлар томонидан чиқарилган қарорларни ижро этиш бўйича умумий талаблар баён этилган, холос.

Айнан шу фактни таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган ҳуқуқий норматив актлардан фақат жиноят процессуал қонунчилигидагина суд ҳукми, суд қарори ёки бошқа суд актларини бажармаслик билан боғлиқ ҳуқуқий оқибат-натижаларни аниқ белгиланган. Масалан, ЖПК 531-моддасида ҳукмни, ажримни ва қарорни ижро эттириш тартиби белгиланган бўлиб, унда белгиланишича ҳукм, ажрим ва қарорни ижро эттириш уларни қабул қилган суд зиммасига юклатилади.

ЖК 232-моддасида қонун чиқарувчи ушбу модда билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлари доирасига суд амалиётининг ҳар қандай кўриниши: жиноят, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар бўйича судлар томонидан қонунга мувофиқ чиқарилган суд ҳужжатларининг ижроси билан боғлиқ муносабатларни киритган.

Суд ҳужжатларини ижр этмаслик – бир объектли жиноят, лекин аксарият ҳолларда мазкур жиноят туфайли факультатив объектларга ҳам яъни, бошқа муҳим ижтимоий муносабатларга зиён етказилади ёки зиён етказиш хавфи вужудга келади. Юридик ёки жисмоний шахснинг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ва ҳуқуқлари суд ҳужжатини ижро этмасликнинг факультатив объектдир. Чунончи суднинг етказилган зарарни қоплаш, бузилган ҳуқуқни тиклаш ҳақидаги қарорлари бажарилмаслиги ҳар доим шахснинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига зиён етказишга олиб келади.

Профессор М.Ҳ.Рустамбаев ҳам ЖКнинг 232-моддасида назарда тутилган жиноятнинг қўшимча объекти алоҳида ҳолларда эса фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқлари юридик шахсларнинг манфаатлари

ҳисобланади¹, деган фикрни билдирган.

2.2. Суд ҳужжатларини ижро этмасликнинг объектив томони

Суд ҳужжатини ижро этмаслик “формал” таркибли жиноятлар сирасига киради, яъни қилмишини ЖК 232-моддаси билан квалификация қилиш учун ижтимоий хавфли оқибатнинг рўй берганлиги талаб қилинмайди. “Формал таркибли жиноятларда келиб чиққан зарарли оқибат жиноят таркиби доирасига жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида киритилмаган ва Махсус қисм моддаси диспозициясида кўрсатилмаган бўлади”².

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 232-моддасида суд ҳужжатини ижро этмаслик учун муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлашни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш, шунингдек, суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш каби қилмишларнинг содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилади.

Объектив томондан жиноят жисмоний ёки мансабдор шахснинг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини бажаришдан бўйин товлаши ёхуд уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилишида ифодаланади.

Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаши деганда, жисмоний ёки мансабдор шахснинг қонунда белгиланган муддатларда суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори ёки бошқа суд ҳужжатини ижро этиш ёки уларни амалга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирларни кўрмаслиги тушунилади.

Ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор бажармаслик деганда, ижро этиш учун олинган суд ҳужжатини амалга ошириш хизмат доирасига кирувчи шахс томонидан уларни қонунда белгиланган муддатларда бажариш

¹ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Тошкент.: ИLM-ZIYO, 2006. -Б. 639.

² Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дасрлик. Т.: “Янги аср авлоди”, 2005 й., -Б. 146.

юзасидан чора-тадбирлар кўрилмаслигини тушуниш зарур¹. Масалан, айбдорни лавозимидан махрум қилиш ҳақида ҳукм бўлишига қарамай, унинг у ёки бу лавозимни эгаллаб тураверишига рухсат бериш.

Суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарорининг бажарилишига тўсқинлик қилиш деганда, шахснинг кўрсатиб ўтилган суд ҳужжатларининг бажарилмай қолишига қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатини тушуниш зарур, масалан, муассаса ижро учун олган ҳукм ёхуд бошқа суд ҳужжати яшириб қўйиш ва ҳоказо.

Шуни назарда тутиш зарурки, жиноий жавобгарлик номулкий хусусиятга эга бўлган суд ҳужжати, яъни муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ҳужжатни бажаришдан бўйин товланганлик учун вужудга келади².

ЖК 232-моддасида 1-қисми маъмурий преюдицияга эга, яъни жиноий жавобгарликнинг зарурий шарти, шундай қилмишлар учун айбдорнинг маъмурий жазога тортилганлиги ва маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил муддатнинг ўтмаганлиги ҳисобланади. ЖК 232-моддасида кўрсатилган қилмиш учун аввал Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қайси моддаси бўйича жавобгарлик қўлланилган бўлиши керак?, деган савол келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 181, 198¹ ва 198² моддаларида суд ҳужжати ижро этиш билан боғлиқ муносабатлар учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Маълумки, ижро ҳужжати уни ихтиёрий ижро этиш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан эътиборан кўпи билан икки ой ичида ижро этилиши лозим.

ЖК 232-моддасида назарда тутилган суд ҳужжати деганда, судлар томонидан чиқариладиган, бажарилиши мажбурий бўлган барча ҳужжатлар тушунилишини биз юқорида кўриб чиққан эдик. Шу сабабли ҳам,

¹ Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Т.:ТДЮИ, 2006.-Б.

² ЎЗР Олий суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори

МЖТКнинг 181, 198¹, 198²-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин орадан бир йил ўтмасдан, бундай қилмишларни содир этиш ЖК 232-моддаси биринчи қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

Қонун чиқарувчи ўрганилаётган моддада суд ҳукми, суд қарори ёки бошқа суд ҳужжатини ижро этмасликни икки мустақил шакли белгиланган:

- муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юқловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш;
- суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш.

Суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш ҳаракатсизлик тарзида содир этилса, тўсқинлик қилиш ҳаракат билан содир этилади.

Суд ҳужжатини ижро этмаслик жинойятининг объектив томонини ифодаловчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ижтимоий хавфли бўлиши билан бирга иродавий ҳам бўлиши керак, яъни шахс шундай қилмишнинг содир этилишига онгли равишда йўл қўйган бўлиши керак. Агарда шахснинг қилмиши унинг онги билан бошқарилмаган бўлса, оқибат унинг иродасининг натижаси бўла олмайди.

Суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш ҳаракатсизлик билан содир этилади. Ҳаракатсизлик — шахснинг пассив ҳуқ-атворидир. Ҳаракатсизлик одатда ўз вазифасига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиш ёхуд ўз мажбуриятларини қасддан бажармасликдан иборат бўлади¹.

Жиноий ҳаракатсизлик ҳам ҳаракат каби ижтимоий хавфли, онгли ва қонунга ҳилоф бўлиши керак. Аммо ҳаракатсизлик учун бу белгиларнинг ўзи етарли эмас. Ҳаракатсизлик шахснинг қилиши лозим ва мумкин бўлган ҳаракатни қилмаганлиги натижасида ЖК 232-моддаси билан кўрикланадиган ижтимоий муносабатга зарар етказганликда ёки зарар келиб чиқиш хавфи остида қолдирилганликда ифодаланади.

ЖК 232-моддасида назарда тутилган ҳаракатсизлик (суд ҳужжатини ижро

¹ Бойко А.И. Преступные бездействие.-Санкт-Петербург: Юридический центр-пресс, 2003.-С. 29.

этишдан бўйин товлаш) жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини аниқлаш учун қуйидаги белгилар:

- 1) суд ҳужжатини ижро этмасликда бўйин товлаш нималарда ифодаланган;
- 2) айбдорнинг айнан қандай ҳаракатларни бажармаганлиги;
- 3) бажарилиши лозим бўлган аниқ ҳаракатни бажариш имкониятларининг мавжуд бўлган ёки бўлмаганлиги аниқланиши керак.

Суд ҳужжатини ижро этишдан бўйин товлаш – баҳоловчи тушунча бўлиб, суд томонидан изоҳланади. У суд ҳокимиятининг қарорларни бажариш талабини бир неча бор назар писанд қилмаслик; унинг бажарилишини очиқ ва қўпол рад этиш; узоқ давом этган сансалорликка йўл қўйиш ва бошқаларда ифодаланиши мумкин. У суд ёки суд ижрочисининг тегишли ҳокимият вакили, давлат хизматчиси ёки бошқа қонунда кўрсатилган шахсларнинг суд ҳужжатини белгиланган муддатда ижро этиш ва унга ваколатли мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқбузарликнинг бартараф этилгани бўйича процессуал ҳужжатлар тайёрлаш йўли билан мазкур фаолиятнинг олдини олиш таъминланиши мажбурияти ҳақида ёзма огоҳлантиргандан кейин бошланади. Бўйин товлаш суд ҳукми, қарори ёки бошқа суд ҳужжатини давомли тарзда бажармасликда ҳам ёки тегишли органларнинг бир неча бор талаб қилишига қарамай мазкур хатти-ҳаракатларни содир этиш учун чоралар кўрмасликда намоён бўлади.

Суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш учун жиноий жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти бўлиб, маъмурий жазога тортилганидан ва жиноий жавобгарлик тўғрисида ёзма тарзда огоҳлантирилганидан сўнг шахс томонидан суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш бўйича ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг давом эттирилиши ҳисобланади¹.

ЖК 232-моддаси бланкет диспозицияли моддадир, чунки, суд

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарори.

хужжатини ижро этиш тартиби ва шартлари тегишли қонун ҳужжатлари билан белгиланади, жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатларини ижро этиш тартиби ва шартлари аввало Жиноят кодекси (жарима жазосини қўллаш тартиби), Жиноят процессуал кодекси (ҳукмнинг ижроси), Жиноят-ижроия кодекси, Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун билан; фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар, хўжалик низолари билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган суд ҳужжатлари ижроси ҳам тегишли қонунлар билан тартибга солинади.

Кўпинча амалиёт ходимлари томонидан суд ёки суд ижрочиси шахсни суд ҳукми ёки қарорини бажармаслик учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкинлиги тўғрисида расмий огоҳлантириши керакми йўқми? деган савол қўйилади. Эслатиб ўтиш керакки суд ҳукми ёки қарорининг ижроси бўйича фаолиятни тартибга солувчи ҳеч қайси меъёрий ҳужжатда шахс суд ҳужжатини бажармаганлик учун жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилган бўлиши керак дейилмаган. Бундан ташқари, ЖК 232-моддаси бундай огоҳлантиришни жиноят таркибининг зарурий аломати сифатида назарда тутилмаган. Аммо, юқорида номи келтирилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорининг 4-бандида “Суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш учун жиноий жавобгарликка тортишнинг мажбурий шарти бўлиб, маъмурий жазога тортилганидан сўнг шахс томонидан суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш бўйича ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг давом эттирилиши ҳисобланади¹”, дейилган.

Суд ҳукми, қарори ёки бошқа суд актини ижро этиш, деганда зиммасига юклатилган шахс томонидан қонунда белгиланган муддатда суд қарорини бажариш юзасидан кўрилган чоралар тушунилади.

Айбдор томонидан суд ҳукми, суд қарори ёки бошқа суд актларини бажармаслик қонунда ўрнатилган муддатда уларнинг ижросини таъминлаш бўйича тегишли чораларнинг кўрилишига асос бўлади. Бундай бажармаслик

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарори.

қоидага кўра ҳаракатсизликда – процессуал ҳужжат кўрсатмаларини бажармасликда намоён бўлади, масалан, ташкилот раҳбари ғайриқонуний равишда ишдан бўшатишган шахсни қайта ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармайди, бухгалтер ижро варақасига мувофиқ пул миқдоридаги қарзни ундирмайди. Аммо процессуал ҳужжатларда назарда тутилган таъқиқларни бузувчи ҳаракат (масалан, шахсни маълум мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги суднинг қарорига қарамай маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи ходими маҳкумни айнан шундай мансабга ёки таъқиқланган фаолият билан шуғулланиш учун ишга қабул қилади) ҳам бажармаслик кўринишида бўлиши мумкин.

Фикримизча, моҳиятан суд ҳужжатларини бажармаслик фақатгина жиноят-ҳуқуқий маънода тушуниладиган ҳаракатсизлик бўлиши мумкин.

Бу ерда муҳим факт айбдорда уларни бажариш имкони бўла туриб, суд ҳужжатида зиммасига юклатилган мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаши ҳисобланади. Бунда суд ҳукми, суд қарори ёки бошқа суд ҳужжатини ижро этиш мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаш усуллари турлича бўлиши мумкин. Бизнинг мулоҳазамизга кўра, ҳаракат йўли билан суд ҳужжатини қасддан бажармаслик мумкин, деб эътироф этувчи олимларнинг нуқтаи назарларини¹ жуда ҳам тўғри деб бўлмайди, чунки бўйин товлаш ҳаракатсизликда, суд ҳукми, суд қарори ёки бошқа суд актларини ижро этишга тўсқинлик қилиш эса ҳаракат билан амалга оширилиши мумкин.

Ўрганилаётган жиноятни содир этишнинг иккинчи шакли суд ҳукми, суд қарори ёки бошқа суд ҳужжатини ижро этишга тўсқинлик қилишда намоён бўлади. Суд ҳукми, суд қарори ёки бошқа суд ҳужжатини ижро этишга тўсқинлик қилиш суд қарорларини бажаришга ҳалақит беришга йўналтирилган фаол ҳаракатлардагина намоён бўлади. Масалан, ходимнинг айнан ўша функционал мажбуриятларини сақлаган ҳолда, шахс суд ҳукмига

¹ Горелик А.С., Лобанова Л.Б. Преступления против правосудия. М., Из-во “Юридический центр Пресс”, 2004.-С. 448.

биноан эгаллаши мумкин бўлмаган мансаб номини ўзгартирилиши Пленум қарорида суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш деганда, суд ҳужжатларини ижро этиш органлари мансабдор шахсларининг фаолиятига қаршилик кўрсатишига шу жумладан суд ҳужжати талаби бажарилишини қийинлаштиради ҳамда уни ўз вақтида ва сўзсиз бажариш мумкин бўлмайдиган ҳолатга келтиришга қаратилган қилмиш тушунилади, деб кўрсатилган

Тўсқинлик қилмоқ (ёки кўрсатмоқ) тушунчасини тилшунослар қуйидаги тарзда изоҳлайди: “тўсқин бўлмоқ, қаршилик кўрсатмоқ”¹. Демак, суд ҳужжати бажарилишига тўсқинлик қилиш, деганда унинг бажарилишига йўл қўймаслик, тўсиқ яратишга қаратилган фаолиятни тушуниш лозим. Бу ҳилдаги йўл қўймасликка актив ёки пассив ҳулқ ёрдамида ҳам эришиш мумкин, биз юридик адабиётларда келтирилган суд қарорларини бажармасликка фақат ҳаракат йўли билан тўсқинлик қилиниши мумкин², деган фикрга қўшилолмаймиз.

Бизнинг фикримизча, суд ҳукми, қарори ёки бошқа суд ҳужжатини бажаришга тўсқинлик қилиш, деганда шахснинг суд қарорларини бажаришга ҳар хил турдаги тўсиқ яратишга ёхуд суд ҳужжатларини бажариб бўлмайдиган қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракати тушуниш лозим.

Суд ҳужжатини бажаришга тўсқинлик қилиш – бу унинг амалга оширилишига ҳалақит беришдан иборат фаолият.

Бизнингча, юқорида келтирилган суд қарорларининг бажарилишига тўсқинлик қилишнинг усуллариининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорига киритилиши бу борадаги суд амалиётининг яхшилашига хизмат қилган бўлар эди.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.-Б. 248.

² Горолек А.С., Лобанова Л.Б. Преступления против правосудия. М., Из-во “Юридический центр Пресс”, 2004.-С.451.

2.3. Суд ҳужжатларини бажармаслик жиноятининг субъекти

Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ёки уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилишнинг субъектини ўрганишда қуйидаги омилларнинг аниқланиши:

- ушбу жиноятнинг субъекти ЖК 17-моддаси талабига кўра 18 ёшга тўлган жисмоний шахслардир;
- ЖК 232-моддаси биринчи қисмида субъект сифатида ҳар қандай 18 ёшга тўлган шахслар бўлса, иккинчи қисмида субъект махсус субъект яъни, мансабдор шахсдир;
- шахсни суд ҳужжатини ижро этмасликнинг субъекти, деб топиш учун фуқаролик, маъмурий, хўжалик ёки жиноят ишлари бўйича суднинг қарори, ҳукмига кўра унга бирор-бир ҳаракатни бажариш ёки бажаришдан тийилиш мажбурияти юклатилганлиги зарурдир.

Маълум ёшга тўлганлик шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг зарурий шартларидан биридир. Қонунда белгиланмаган ёшга тулмаган шахслар жиноят субъекти бўла олмайдилар, чунки улар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдилар ва уларни онгли равишда бошқара олмайдилар.

Қонунда жиноий жавобгарлик ёши қонун чиқарувчи органнинг ўз ихтиёрига қараб эмас, балки инсон онги, унинг ўз қилмишлари хусусиятини тушуниши шунингдек, ўз ҳаракатларини бошқариш қобилиятининг ривожланишидан келиб чиқиб белгиланган.

Қонун чиқарувчи суд ҳужжатини ижро этмасликда жиноий жавобгарлик ёшини белгилашда асосида шахснинг онглилиги, унинг содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни англаши, суд ҳужжатлари мазмунини ва уни бажармаслик оқибатларини ва шунга мувофиқ онгли ҳаракат қилиш қобилиятини эътиборга олган.

ЖК 232-моддаси 2-қисми бўйича жиноий жавобгарлик ёшининг 18 ёш қилиб белгиланганлиги ушбу жиноятнинг субъекти махсус субъект

аломатларига эга эканлигини билдиради.

Жиноятнинг махсус субъекти тушунчасига жиноятнинг умумий субъекти белгилари билан бир қаторда, қўшимча белгиларга ҳам эга бўлган шахсдир, деб берилган таъриф назарий ва амалий жихатдан катта аҳамиятга эга¹.

Жиноят махсус субъектининг белгилари тегишли жиноят-ҳуқуқий норманинг диспозициясида тавсифланади ёки ундан бевосита келиб чиқади. Аксарият ҳолларда улар ЖК Махсус қисми тегишли моддаси диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилади, яъни қонун чиқарувчи томонидан мазкур жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин бўлган шахснинг аломатларини кўрсатилади. Жумладан, ЖК 232-моддаси иккинчи қисми бўйича жиноят субъекти фақат мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

Баъзи ҳолларда мазкур аломатлар ЖКнинг алоҳида нормаларида тавсифланган. Масалан мансабдор шахс тушунчаси атамаларнинг ҳуқуқий маъносига бағишланган ЖК саккизинчи бўлимида мустаҳкамланган. Мазкур махсус субъектлар Ўзбекистон Республикасининг ЖКда анча кенг берилган, аммо, ЖКнинг ҳар бир моддасида мансабдор шахс белгиларини тавсифлаб ўтирмаслик учун, қонун чиқарувчи томонидан уларнинг тушунчасини алоҳида нормада берилган.

Шу билан бирга, махсус субъектли жиноятлар таркибининг баъзи бир белгилари ЖК Махсус қисмининг муайян нормасида кўрсатилмаган, аммо, жиноят таркибининг бошқа элементлари (объект, объектив томон) таҳлилидан келиб чиқиб, талқин қилиш йўли билан мазкур аломатларни аниқлаш мумкин, чунки ҳар бир элемент бошқа элементлар билан ўзаро таъсирга киришиб, маълум боғлиқликни вужудга келтиради ҳамда уларнинг ўрни ва мазмунини белгилаб беради¹.

ЖК 232-моддаси биринчи қисми бўйича жавобгарликнинг зарурий шарти муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлашни

¹ Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Тошкент : ТДЮИ, 2005,-Б.34

¹ Беляев В.Г. Применение уголовного закона.-Волгоград, 1998.-С. 47.

маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш ҳисобланади. Шахснинг илгари маъмурий жавобгарликка тортилганлигини жиноятнинг махсус субъектини тавсифловчи аломатлар жумласига киради, деб ҳисоблаш ҳам анча баҳслидир.

Аммо, юқорида зикр этилган муаллифларнинг мазкур қараши, бизнингча, тўғри эмас. Норманинг диспозициясида тавсифланган маъмурий жавобгарлик жиноий жавобгарликнинг қилмишга нисбатан қандайдир ташқи шарти ҳисобланмайди, балки жиноят таркиби доирасида унинг ижтимоий хавфлилиги тузилмасига киритилган қилмишнинг ажралмас қисмини ташкил қилади. Масалан, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 198²-моддаси) учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахснинг мазкур қилмишларни такроран содир этиши унинг жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади (Ўзбекистон Республикаси ЖК 232-моддаси 1-қисми). Бу ҳолда қонунда жиноятни маъмурий ҳуқуқбузарликдан фарқловчи аломатлар аниқ белгиланган бўлиб, бу – маъмурий жавобгарликнинг мавжудлиги ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда, маъмурий жавобгарликнинг мавжудлиги қилмишни жиноят қонунида назарда тутилган жиноятга айлантиради. Адабиётларда билдирилган маъмурий жавобгарлик жиноят таркибидан ташқарида ётади ва айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилиги даражаси анча юқори эканлигидан далолат берувчи жиноий жавобгарликнинг зарурий шартинигина ташкил этади, деган фикр, ҳам бизнингча, тўғри эмас.

Юқорида айтилганлардан маъмурий жавобгарлик жиноят таркибининг тузилмасига унинг элементларидан бирини тавсифловчи зарурий аломат сифатида киритилган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Бизнингча, маъмурий жавобгарлик жиноят таркиби доирасида фақат жиноят субъектини тавсифлайди. Қонун чиқарувчи мазкур моддалар бўйича фақат илгари маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар жиноий

жавобгарликка тортилишини тўғридан тўғри кўрсатади. Бу билан қонун чиқарувчи мазкур моддаларнинг амал қилиш соҳасини маълум шахслар доираси билан чеклайди, торайтиради. Натижада мазкур шахслар ақли расолик ва маълум ёшга тўлганлик (жиноят умумий субъектининг аломатлари) билан бир каторда, қўшимча аломат - маъмурий жавобгарликнинг мавжудлигига ҳам эга бўладиларки, бу уларни жиноятнинг махсус субъекти сифатида тавсифлайди.

Суд ҳужжатини ижро этмаслик жинояти учун жавобгарлик белгиланган ЖК 232-моддаси 2-қисми ушбу қилмишларни мансабдор шахслар томонидан содир этилганлик учун жавобгарликни белгилайди.

Шундай қилиб, ЖК 232-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг субъекти умумий ва махсус субъект деб хулоса чиқариш мумкин. Ушбу модданинг биринчи қисмида муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлашни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти бўлса, суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилишда жиноий жавобгарликка тортиш учун илгари шундай ҳаракат учун маъмурий жавобгарликка тортилганлик шарт бўлмайди. Яъни, битта модданинг битта қисмида жиноят субъекти икки хил бўлиши мумкин: суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлашда махсус субъект; суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилишда умумий субъект.

Фикримизча, ЖК 232-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган бўйин товланганлик учун жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти сифатида, бундай қилмиш учун аввал маъмурий жавобгарликка тортилганлик асос қилиб олинishi, ижро этишга тўсқинлик қилганлик учун эса бундай шартнинг йўқлиги тўғри эмас. Шу сабабдан ҳам биз, ЖК 232-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилишни таклиф қиламиз:

232-модда. Суд ҳужжатини ижро этмаслик

Муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини

тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилишни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Юқоридаги қондани эътиборга олиб, биз ЖК 232-моддаси иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда берилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

Муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш мансабдор шахс томонидан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қонун нормасининг ушбу таҳрирда баён қилиниши биринчидан, жиноий жавобгарликка тортиладиган шахслар доирасини камайтиради; иккинчидан, маъмурий жазони қўллаш орқали мансабдор шахсларнинг ушбу жиноят содир этиш учун бундан-да оғирроқ таъсир чоралари кўрилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради; учинчидан, одатда мансабдор шахсларнинг бундай қилмишлар учун маъмурий жавобгарликка тортилиши кейинчалик суд ҳужжатларини ижро этиш масаласига жиддий эътибор беришни талаб этади.

2.4. Суд ҳужжатларини ижро этмасликнинг субъектив томони

Маълумки, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ва ҳуқуққа хилофлиги шахснинг тафаккуридаги айбга муносабати қай даражада бўлганлиги билан боғлиқдир. Шахс ўзи содир этган қилмишнинг ижтимоий ҳамда ҳуқуқий талабларга нақадар мос ёки зид эканлигини тушунганлиги тергов ва судда аниқланмоғи ҳамда баҳоланмоғи лозим. Шахснинг ўз қилмиши жамият ва давлат наздида қай даражада хавфли эканини жиноят содир этишдан олдин, уни режалаштириш, содир этишга киришиш чоғидаёқ тўғри тасаввур қилиши, жиноят оқибатларини олдиндан билиши, бевосита жиноят содир этиш пайтида ва келгусида атрофдагилар қандай муносабат билдириши мумкинлигини реал ҳисобга олиши, жиноятни содир этишдан воз кечишга, унинг оқибатларини бартараф этишга интилиши, масъулиятни ҳис қилиши ижобий натижалар беришига шубҳа қилиб бўлмайди¹.

Суд ҳужжатини ижро этмаслик айбнинг қасд шакли билан ифодаланади, яъни ушбу қилмиш фақат қасддан содир этилади.

ЖК 20-моддасидаги айб шаклларининг таърифи ижтимоий хавфли қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибатларга шахснинг руҳий муносабатини тавсифлайди². Суд ҳужжатини ижро этмаслик формал таркибли жиноятлар гуруҳига мансуб бўлиб, уларнинг объектив томонига ижтимоий хавфли оқибатлар кирмайди.

Шу боис мазкур жиноятда айб шакли мумкин бўлган ёки содир бўлган оқибатларга шахснинг руҳий муносабатига боғлиқми ёки унинг ижтимоий қилмишга нисбатан руҳий муносабатни аниқлашнинг ўзи етарлими?, деган савол туғилади. Бу масала юзасидан олимлар иккита қарама-қарши фикр билдирганлар. Айрим олимлар формал таркибли жиноятларда айб шакли шахснинг қилмишга руҳий муносабати билан белгиланади, бунда у

¹ Юсупджанов О.А. Мураккаб айбли жиноятларни квалификация қилиш муаммолари. Юрид.фан.номз.илм.дараж.олиш учун ёзил.дисс. автореферати. –Т.: 2010., -Б. 17

² Тошпўлатов А.И. Ёлгон гувоҳликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2009. –Б. 74

қилмишнинг оқибатларига муносабати аҳамиятсиз¹, деган хулосага келдилар. Бошқа олимларнинг фикрича, ҳар бир жиноят таркибида айб шакли қилмишга ва унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабатидан таркиб топади².

Фикримизча, биринчи қараш тўғрироқ ва ишончлироқдир, чунки айбнинг шакли сифат жиҳатидан аниқ бўлиши керак, бу эса фақат қонун чиқарувчи томонидан таърифланган жиноят таркиби аломатларига нисбатан руҳий муносабат билан белгиланади. Иккинчи қараш эса, барча жиноят таркиблари моддийдир, деган маънони англатади, ваҳоланки, бу қонунга зиддир; ёки бўлмаса, айбнинг шакли муайян жиноят таркибини эмас, балки амалда содир этилган жиноятни тўлиқ тавсифлайди, деган маънони англатадики, бу ҳам ўринли эмас, чунки бундай қарашда айбнинг шакли сифат жиҳатидан ўзининг аниқлигини йўқотади.

Суд ҳужжатини ижро этмасликда айб шаклининг зарурий аломатлари— жиноят объекти, ижтимоий хавfli қилмишга нисбатан субъектининг руҳий муносабати билан тавсифланади.

Формал таркибли жиноятларда айбнинг шакли шахснинг жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизлигига нисбатан руҳий муносабати билан белгиланишини аниқлагач, мазкур таркиблардаги қасднинг мазмунини кўриб чиқиш зарур, деб ўйлаймиз. Формал таркибли жиноятларда қасд ва эҳтиётсизликнинг мазмунига тафаккурий ва иродавий ҳолатлар киради³, деган нуқтаи назар анча кенг тарқалган. Бу демак, қасднинг тўғри ва эгрига, эҳтиётсизликнинг эса – жиноий бепарволик ва ўз-ўзига ишонишга бўлиниши мазкур тоифага мансуб таркиблар учун ўз аҳамиятини сақлаб қолади, аммо

¹ Бакунов П. Айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида. Т. «Адолат» 2006.-99 б; Ворошнин Е.В., Кригер Г.А. Субъективная сторона преступления. М.: МГУ, 1987; Парог А.И. Проблемы субъективной стороны преступления. М.: МЮИ, 1991.

² Гаврилов С.Т., Покаместов А.В., Тямкин А.В. Проблемы квалификации отдельных видов преступлений. Воронеж. ВШ МВД 1997. –С. 49 с; Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. М. Юринформ. 2001. –С. 115; Куликов А.В. Двойная форма вины: понятие, виды, конструкция составов, квалификация. Свердловск, 1990. С.7; Горелик А.С. Конкуренция уголовно-правовых норм. Изд-во. Красноярск. Красноярск ун-т. 1998.-С. 35.

³ Костарева Т.А. Квалифицирующие обстоятельства в уголовном праве.-Москва., Юристь. 1999.-С. 112; Ларин А.М. Преступность и раскрываемость преступлений // Государство и право.-1999. № 4. –С. 83-89; Гаврилов С.Т., Покаместов А.В., Тямкин А.В. Проблемы квалификации отдельных видов преступлений. Воронеж. ВШ МВД 1997.-С. 34

бунда иродавий ҳолат оқибатдан ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ўзига кўчирилади,¹ деганидир. Демак, кўпгина формал таркибли жиноятлар, шу жумладан, суд ҳужжатини ижро этмасликнинг ҳам субъектив томони қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини тушуниш, бундай хавфни олдиндан кўриш ва бундай қилмишлар содир этишни исташ ёки уларга йўл қўйиш тарзида тавсифланади.

Демак, формал таркибли жиноятлар айбнинг фақат тўғри қасд шаклида билан тавсифланади. Суд ҳужжатини ижро этмаслик ҳам фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин, бунда эҳтиётсизлик бўлиши мумкин эмас.

Суд ҳужжатини ижро этмасликнинг субъектив томонига келсак, у ҳолда кўриб чиқиладиган жиноятнинг субъектив томони айбнинг қасд кўринишидаги шакли билан тавсифланади². Шахс ўзи содир этган хатти-ҳаракатнинг ижтимоий хавфлилигини англаб етади, қасддан бажармаётганини тушунади ва суд ҳужжатининг бажарилмай қолишини истади. Айбдор суд ҳужжатининг қонуний кучга кирганини англайди. ЖК 232-моддаси биринчи қисмида жиноий жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти сифатида шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганлигининг қилиб белгланганлиги айбдорга бундай қилмишлари учун илгари ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилганлигини билдиради ва у яна суд ҳужжатини бажармаслик қандай оқибатларга олиб келишини жуда яхши англайди. Аммо, суд ҳужжатида ўзига юклатилган мажбуриятни, ҳамда бу талабга амал қилиш имкони мавжудлигини англаб етсада, уни эътиборсиз қолдиради, яъни жиноий ҳаракатсизлик қилади.

Қайд этилган модда матнидаги “қасддан бажармаслик” тушунчасининг мазмуни ҳам очиқ-ойдин эмас. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилингунга қадар суд қарорини ижро этмаслик айбдор шахс

¹ Тошпўлатов А.И. Ёлғон гувоҳликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2009. –Б. 75

² Мизанбаев А. Проблемы соотношения материального и формального в понятии преступления в понятии преступления в контексте разработки доктринальных новаций в уголовном праве.// Закон и время. 2010, № 4.-С. 64.

суд томонидан ёзма равишда огоҳлантирилганидан кейин ўз қилмишини давом эттирган ҳолларда қасддан бажармаган, деб ҳисобланилган.

2.5. Суд ҳужжатларини бажармаганлик учун жазо тайинлаш амалиёти

Маълумки жиноят учун жазо тайинлаш ваколати фақат судга тегишлидир. Шунга кўра жазо тайинлаш суд фаолиятининг энг маъсулиятли қисми ҳисобланади. Айнан ана шу жазо тайинлаш босқичида кўп масала ҳал бўлади. Чунки ана шу вақтда жиноят қонунунинг одиллик принципи амалда намоён бўлади, одил судловнинг қай даражада амалга оширилаётганлиги бош мезони ҳисобланади. Жиноят содир этган шахсга нисбатан унинг шахсини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини, жиноят туфайли етказилган зарарнинг миқдорини ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олган ҳолда адолатли жазо тайинлаш, жиноят содир қилган шахснинг ўз қилмишига яраша жазосини олганлик хиссини ҳам уйғотади¹. Ана шундай ҳиснинг пайдо бўлиши жазо мақсадининг дастлабки, аммо энг муҳим ютуғи ҳисобланади.

Судлар томонидан жиноят учун жазонинг тўғри тайинланиши одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолатидир.

Адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган мақсадларга — маҳкумни ахлоқан тузатиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади².

Суд ҳужжатини ижро этмаслик жинояти учун жазо тайинлашда ушбу жиноят учун қонунда белгиланган жазо чораларини таҳлил қилиш лозим бўлади.

ЖК 232-моддаси биринчи қисмида жавобгарликнинг зарурий шарти сифатида шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганлик белгиланган. Амалиётда ҳам суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун маъмурий жавобгарлик қўлланилган ҳолатлар кўп учрайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

¹ Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.-Б 4.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами 1999-2006. Тошкент: Адолат, 2006. –Б. 245.

кодекснинг 198¹-моддасида (Қарздорнинг ижро ҳужжатини ижро этмаслиги) фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши; 198²-моддасида (Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик) фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликка биноан суд ҳужжати ўз вақтида ижро этилмаганда, қонунда нормасидага санкцияда белгилангандан ташқари ҳам пул ундирилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ–722-сон қарори билан тасдиқланган “Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом” га кўра Ижро йиғими қарздордан ижро ҳужжатини ихтиёрий равишда ижро этиш муддати ўтгандан сўнг қуйидаги:

мулкӣй характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича – жисмоний шахсдан ундирилаётган сумманинг 1 фоизи, юридик шахсдан 2 фоизи миқдорида;

мулкӣй характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича – жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида, юридик шахсдан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида ундирилади.

Ижро йиғимини ундириш қонунга мувофиқ қарздорга солинадиган жаримани тўлашдан озод этмайди.

ЖК 232-моддаси биринчи қисми бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ жазоси кўзда тутилган. Иккинчи қисми бўйича эса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган.

Жиноят кодексида жарима, айбдордан давлат даромадига пул

ундирилиши, деб тушунтирилган. Жиноят кодекси 44-моддасида жариманинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробаридан олти юз баробаригача миқдорда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” Қарорининг 15-бандида судларга жарима тариқасидаги жазо турини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу жазо қонун санкциясида назарда тутилган бўлса, кенгрок қўллаш тавсия этилган.

Жарима тариқасидаги жазо тайинланганда ҳукмнинг қарор қисмида жарима миқдори билан бир қаторда унинг жиноят содир этилган вақтдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган, пул бирлигида ифодааланган жами суммаси ҳам кўрсатилиши лозим.

Жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда жаримани тўлай олиши имкониятидан келиб чиқиши лозим. Бунда, чунончи, судланувчининг моддий ахволи, доимий иш жойига эга эканлиги шунингдек, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва ҳ.к.лар инобатга олиниши лозим.

Қонунга мувофиқ жазо тариқасида тайинланган жаримани маҳкум ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч ой, вояга етмаган маҳкум эса — олти ой мобайнида ихтиёрий равишда тўлаши лозим. Бироқ суд, маҳкумнинг моддий ахволини инобатга олиб, ЖПК 533-моддаси иккинчи қисмига асосан ҳукмнинг ушбу қисми ижросини олти ойгача кечиктириши ёки бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини ҳал қилиши мумкин.

2007-2009 йилларга оид суд амалиётини ўрганиш шундан далолат берадики, жиноий жавобгарликка тортилган 57 та шахсга жарима, 19 шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 2 шахсга бошқа жазолар, 4 шахсга ЖК 72-моддаси қўлланилиб, шартли ҳукм қилинган.

Мазкур йилларда жисмоний шахсларга нисбатан суд ҳужжатларини

бажармаганлик учун жазо тайинланмаган.

Суд-тергов амалиётида ЖК 232-моддасини қўллашда бир қанча тушунмовчиликлар вужудга келмоқда. Бунга асосий сабаблардан бири сифатида ЖК 232-моддасининг янги таҳрири ва ЖК Махсус қисми айрим моддалари билан нормалар рақобатини келиб чиққанлигини кўрсатиш мумкин. Жумладан, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик ЖК 122-моддаси билан, вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслиги ЖК нинг 123-моддаси билан квалификация қилинади.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Олтинкўл туман судининг (судья А.Маннанов) 2007 йил 25 апрелдаги ҳукмига мувофиқ И.Рахимжонов Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддаси билан айбдор деб топилиб, 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилинган.

Суднинг ҳукмига мувофиқ И.Рахимжонов фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2003 йил 22 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан икки нафар вояга етмаган фарзанди таъминоти учун Ш.Рахимжонова фойдасига даромадининг 1/3 қисмида тўлаши лозим бўлган нафақа пулининг 2003 йил 1 мартдан 2007 йил 1 апрел кунига қадар 49 ой мобайнида 253. 680 сўм миқдорида алимент тўлашдан қасддан бўйин товлаганликда айбланган.

Иш ҳолатига кўра И.Рахимжонов 49 ой мобайнига 253. 680 сўм миқдорида тўлаши лозимлиги ҳақида тергов органи томонидан айбланган, ваҳоланки, оила кодексининг 99-моддасига асосан ҳар бир фарзанди учун тўланиши лозим бўлган нафақа пули энг кам ойлик иш ҳақининг 1/3-

қисмидан кам бўлмаслиги керак. Рахимжоновнинг қарамоғида икки нафар фарзанди бўлиб, қонун талабига кўра 49 ой қарзи 388. 800 сўмни ташкил қилади. Бундан кўринадики, суд ижрочиси қарздорликни ҳисоблаганда қандай асосларга кўра 253. 680 сўм тўланиши лозимлиги ҳақида хулосалари бирон-бир ҳужжат билан тасдиқланмаган ва улар жиноят ишида мавжуд эмас.

Хулоса

Ўтказилган тақиқот юзасидан асосий хулоса ва тавсияларни ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларни маълум қиламиз.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган, 2009 йил 14 январдан кучга кирган “Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун” асосида ЖК 232-моддаси янги таҳрирда баён қилинди.

ЖК 232-моддасининг янги таҳрири олдинги таҳрирдан бир канча жиҳатлари билан фарқ қилади: биринчидан, олдинги таҳрирда модда номи суд қарорини бажармаслик бўлса, амалдаги янги таҳририда суд ҳужжатини ижро этмаслик деб номланди; иккинчидан, олдинги таҳрирда модда бир қисмдан иборат бўлса, янги таҳрирда икки қисмдан иборат бўлди; учинчидан, янги таҳрирда ушбу қилмиш учун жавобгарликнинг зарурий шарти қилиб, шундай қилмиш учун аввал маъмурий жазо қўлланилганлиги белгиланди; тўртинчидан, олдинги таҳрирда жиноят субъекти фақат мансабдор шахслар бўлган бўлса, янги таҳрирда мансабдор шахслардан ташқари, бошқа фуқаролар ҳам ушбу жиноят субъектлари бўлиши мумкин; яъни ушбу қилмиш учун жавобгарликка тортиладиган субъектлар доирасига кенгайтирилди ва ниҳоят ушбу қилмишни мансабдор шахслар томонидан содир қилиниши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланди.

2. ЖК 232-моддаси 2-қисмида муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилишнинг мансабдор шахс томонидан содир этилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ушбу жойда қонуннинг мазкур моддасини қўллашда айрим

тушунмовчиликлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Жумладан, мазкур модда иккинчи қисмида ўша қилмишлар мансабдор шахслар томонидан содир этилса деб баён қилинган. Бу ерда савол туғилади, қонун чиқарувчи ўша қилмишлар деганда суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш учун аввал маъмурий жазо қўлланилганлигини назарда тутганми ёки йўқми? Ана шу тушунмовчилик айнан бир хил бўлган иккита ишда ЖК 232-моддаси 2-қисми билан жавобгарликни қўллашда бир ҳолатда аввал маъмурий жазо қўлланилганлигини асос қилиб олишса, бошқа ҳолатда бундай асос мавжудлигидан қатъи назар жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлиши мумкин;

3. Жамият ҳаётининг ривожланиб бориши билан, фуқароларнинг турли масалалар бўйича судга мурожаат қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Табиийки бундай мурожаатларни кўриб чиқиб, ҳал қилиш асносида судлар шахсларга нисбатан турли мажбуриятларни юклайдиган ҳужжатлар қабул қилмоқдалар. Ўз навбатида, суд ҳужжатини доимий равишда ижро қилмайдиган, ундан бўйин товлайдиган, унинг бажарилишга муттасил тўсқинлик қилиб келадиган, бир вақтнинг ўзида бир неча суд ҳужжатларини ижро қилмай юрадиган шахслар ҳам мавжуд ва уларнинг сони ошиб бормоқда, бундай ҳолатлар айниқса иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ ҳолатларда кўп учрамоқда. Республикамизда бундай шахсларга нисбатан тегишли чоаларни кўриш борасида ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Аммо, ЖК 232-моддасининг амалдаги таҳрири, бундай шахслар учун оғирроқ жазо чоралари қўллаш имкониятини бермайди.

Шу сабабли ҳам биз, ЖК 232-моддасига қўшимча қисм киритилиб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган суд ҳужжатини ижро қилмаслик ҳолатларига нисбатан оғирроқ жазо чорасини белгилаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагиларга асосланиб, ЖК 232-моддасини қуйидаги таҳрирда баён қилишни таклиф этамиз.

232-модда. Суд ҳужжатини ижро этмаслик

Муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилишни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш, агарда ушбу Кодекснинг 148-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган аломатлар мавжуд бўлмаса —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмишлар мансабдор шахс томонидан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёхуд етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Рахбарий адабиётлар:

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. -185- бет.
- 1.2 . Каримов И.А.Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. 5 том. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997. -127.
- 1.3. Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б.36.
- 1.4. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир-Т.15-.: “Ўзбекистон”, -182-183 бетлар.
- 1.5. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийётни барқарор ривожлантириш йўлида. Том 16. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008. -341 б.
- 1.6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси . Тошкент, Ўзбекистон. 2010

II. Норматив ҳужжатлар:

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2009 й.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Т. Адлия вазирлиги. 2009 й.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 31.08.2006 й. N ПҚ-458. Халқ сўзи. 2006 йил 31 август

2.4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 19 апрелдаги Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисидаги 7-сонли қарори.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” Қарори

III. Махсус адабиётлар:

3.1. Абдумажидов Ғ., Гулямов З.Х. Преступления против правосудия. Т., Академия МВД РУз 1997-236 с

3.2. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Тошкент : ТДЮИ, 2005,-Б.34

3.3. Бакунов П. Айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида. Т. «Адолат» 2006.-29, 99 б

3.4. Гулямов З.Х. Преступления против правосудия / / Под ред. и с предисловием д.ю.н., проф. У.Таджихонов. – Ташкент, 1997. – С.40-41, 75.

3.5. Гулямов З.Х. Общая характеристика преступлений против правосудия в Республики Узбекистан. // Ж. Российская права. -2002. -№4. –С. 122-130

3.6. Горелик А.С., Лобанова В.Л. Преступления против правосудия. СПб, 2005. –С. 84

3.7. Каракетов Ю., Усмоналиев М. Жиноятчиликка қарши курашнинг криминалогик чоралари. Т., “Ўзбекистон”. 1994

3.8. Кулешов Ю.И. Преступления против правосудия: понятие, система, юридический анализ и проблемы квалификации: Учебное пособие. Хабаровск, 2001.

3.9. Милюков С.Ф. Преступления против правосудия. СПб., 1999

3.10. Муаллифлар жамоаси. Жиноят – ижроия ҳуқуқи. Тошкент: ТДЮИ, 2008.-Б. 284.

3.11. Норбўтаев Э.Х. Уголовный закон и его эффективность.Т.: Мехнат,

1991.-С.76.

3.12. Преступления против правосудия // под ред. А.В.Галаховой. М.: 2005. – С.143

3.13. Пайзуллаев Қ. Жарима жазосини ижро этиш муаммолари. Тошкент: ТДЮИ, 2006.-Б.4-5.

3.14. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. Т, Ўқитувчи 2003

3.15. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Т.:ТДЮИ, 2006

3.16. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳлар.2-том. Тошкент: 2008

3.17. Рарог А.И. Квалификация преступлений по субъективным признакам. М.: Юридический центр Пресс, 2003.-С. 138.

3.18. Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.-Б 4.

3.19. Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть: Учебник / Под ред. проф. Б.В.Здравомыслова. – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристъ, 1999. – С. 431-432

3.20. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Дарслик. Умумий қисм. Т., Ўқитувчи. 2005.

3.21. Умархонов А.Ш. Одил судловга кўмаклашувчи шахслар хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий чоралари. Ўқув қўлланма. –Т.: ИИВ Академияси, 2005. - Б. 12.

3.22. Якубов А.С. Теоритические проблемы формирования правовой основе учения о преступлении. Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1996.-С 96.

3.23. Яковлев А.М. Индивидуальная профилактика преступного поведения. Горький, 1977, -С. 59.

3.24. Қодиров Р. Суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим босқичи // Фуқаролик жамияти. – 2006, №1. – Б.24.